

“САХОВАТ ВА КЎМАК” УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ СЎХДА



“САХОВАТ ВА КЎМАК” УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ СЎХДА

Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев бугун Сўх туманида бўлиб, коронавирус пандемияси шароитида бу ерда ташкил этилган ишлар билан танишди. Аҳоли вакиллари билан учрашиб, барча масалаларда суҳбатлашди. Ғазноб маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган чоғи кам таъминланган оилалар яшайдиган хонадонларга кириб уларнинг шароитини ўрганди. Айрим хонадонларда томорқа ер участкалари бўла туриб ундан фойдаланмаётганларидан таассуф билдирди.



Маҳалий
хокимлик раҳбарларига биронта ҳам томорқасига экин экилмаган уй қолмаслиги лозимлигини,
бунда хонадон эгаларига уруғ, кўчат таъминотида ёрдам бериш лозимлигини айтди.



- Энди аҳолининг ўзи ҳам бир парча бўлсада, ихтиёридаги Сўхнинг қувватли ери қадрига етиб
йил давомида камида 2-3 марта ҳосил олишни ўрганиши керак, — деди ҳоким.

2 / 3

Шу куни Сўх тумани аҳолиси учун вилоят ҳокими Ш.Ғаниев 5 минг қоп ун ва 5 минг дона 5 литрли
ўсимлик ёғи олиб келган эди. Уни туманнинг барча маҳаллаларига тақсимлаб бепул тарқата
бошладилар.



- Сўх халқи муҳтарам Президентимиздан чексиз миннатдор. Бизга ҳамиша меҳр билан эътибор қаратадилар. Хатто бугунгидек, ташвишли кунларда ҳам бизни эслаб, шунча озиқ-овқат маҳсулотлари юборибдилар. Биз давлатимиз янада куч-қудратли бўлсин, халқимиз ҳаёти бунданда фаровонлашсин, юртбошимиз соғ-саломат, узоқ умр кўрсинлар дея дуодамиз, - дейди Ғазноб МФЙ раиси Халилжон Бобоев.

Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ғаниев шу бугун Шохимардон қишлоғига ҳам бориши кутилмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Facebook](#), [Telegram](#), [Веб сайт](#), [YouTube](#)

2020-04-25 18:10:41